

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 68 (590), 2022 йил 6 апрель, чоршанба



ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 5 апрель куни халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижадорлигининг таҳлили юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Инсон капитални ривожлантириш — Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясидаги еттига устувор йўналишдан бири. Жорий йил 28 январь куни бўлган йиғилишда шу борадаги масалалар муҳокама қилиниб, кўлаб вазифалар белгиланган эди.

Ўтган икки ойда мутасаддилар ҳамма ҳудудларга чиқиб, жойлардаги муаммоларни ўрганган. Мамлакатимиздаги 852 та мактабда таълим сифати, муаллимлар салоҳияти ва ўқувчиларнинг олийгоҳларга кириш даражаси анча пастлиги аниқланган.

Президент мактаблари, ихтисослашган ва хусусий мактабларда илғор методикалар йўлга қўйилган. Лекин қолган мактабларнинг энг катта муаммоси бу — ўқитиш методикасининг эскирганлиги. Замонавий таълим услубларини улурда ҳам жорий қилиш бўйича ташаббуслар йўқ.

Мактабларни компьютер билан таъминлаш бўйича маблағлар ажратилган бўлса-да, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган ва Тошкент вилоятларида ишлар суст кетяпти. Олис ва чекка ҳудудлардаги мактабларда таълим сифати қониқарсиз аҳволда.

Маълумки, йил бошида Мактаб таълимини ислоҳ қилиш кенгашлари тузилган эди. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари жойлардаги шундай кенгашлар раҳбари ҳисобланади. Шу боис, йиғилишда таълим ривожини паст бўлган ҳудудлар ҳокимлари оғоҳлантирилди.

Агар раҳбарлар, муаллимлар янги Ўзбекистонга муносиб ҳаракат қилса, фарзандларимизни давр талабига мос ўқитишимиз мумкин. Халқимиз бизга энг катта бойлигини — зурриёдин ишониб берапти. Бу жуда катта масъулият. Шунини ҳис қилиб, ўзимизни қийнаб, мактабни ислоҳ қилсак, келажакка замин яратамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари мактаб ўқитувчиларини янги методика асосида

қайта тайёрлаш бўйича умуммиллий лойиҳа бошланишини эълон қилди.

Ушбу янги тизим доирасида келгуси 3-4 йилда мактаблардаги барча масалалар муҳокама қилиниб, кўлаб вазифалар белгиланган эди. Бунинг учун ҳар бир ҳудуддаги Малака ошириш марказлари негизда педагогларни янги методикаларга ўргатувчи Миллий таълим марказлари ташкил этилади. Уларга аниқ ва табиий фанлар бўйича хориждан энг малакали мутахассислар жалб қилинади.

Ҳар бир вилоят кесимида "тренерлар гуруҳи" шакллантирилиб, улар жойларда мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириб боради. Уларнинг ойлик иш ҳақига 100 фоизгача устамалар тўланади.

Ҳокимликлар Халқ таълими вазирлиги билан бирга ҳар бир туман ва шаҳарда камида 20 фоиз мактабда йил якунига қадар илғор методикаларни жорий этишни бошлади. Бу янги тизимни жорий қилиш учун 100 миллион доллар қўшимча маблағ йўналтирилади.

Шунингдек, Абдулла Авлоний номидаги институт Республика миллий таълим маркази сифатида қайта ташкил этилади ва Тошкент давлат педагогика университети билан ягона тизимга бирлаштирилади.

Умуман, янги методикаларга ўқитиш тизими Миллий таълим маркази ва Тошкент давлат педагогика университети билан бошланади. Университет Халқ таълими вазирлиги таркибига ўтказилади, мактаб ўқитувчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича республикадаги таянч муассасасига айлантирилади.

Ҳудудларда фаолият юритаётган педагогика институтлари босқичма-босқич университетлар таркибидан алоҳида ажратилиб, мустақил таълим даргоҳига айлантирилади.

Йиғилишда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилди. Мактабларда маънавий муҳитни тубдан яхшилаш бўйича янги концепция ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Мактаблардаги маънавият тарғиботчиларига талабларни қайта кўриб чиқиб, бу вазифага маҳалла ва жамоада обрўси юқори инсонларни тайинлаш, намунали ўқувчи ва ота-оналарни рағбатлантириб бориш зарурлиги таъкидланди.

Бугунги кунда юртимизда 120 та мактаб 3-4 коэффициентда ишламоқда. Яъни, ўқувчи сонига нисбатан жуда кўп. Президентимиз ушбу мактабларда шароитни яхшилаш бўйича кўрсатмалар берди.

Келгуси ўқув йили бошлангунча 960 та мактаб компьютер синфи билан таъминланиши, 740 таси янгидан жиҳозланиши кўриб чиқилди.

Умуман, 5 мингдан ортиқ компьютер синфларини янгилаш бўйича алоҳида дастур қабул қилиниши белгиланди. Бунга республика бюджетидан 200 миллиард сўм, маҳалла бюджетлардан ҳам 200 миллиард сўм йўналтирилади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига мактаблар учун алоҳида имтиёзли тарифлар очиб, ўқувчи сонига қараб мактабларда интернет тезлигини секундига 100 Мегабитгача кўпайтириш вазифаси қўйилди.

Мактабдаги таълим ҳам, муҳит ҳам кўп жиҳатдан директорларга боғлиқ. Шу боис, мактаб директорларини сертифицилаш тизимини жорий этиш зарурлиги айтилди. Бундан бунён директорликка номзодлар ушбу тизим орқали танланади.

Давлатимиз раҳбари табиий ва аниқ фанларни ўқитишни ривожлантириш кераклигини айтган эди. Шунга мувофиқ, 193 та таълим муассасаси негизда табиий ва аниқ фанларга ихтисослашган мактаблар ташкил этиш режалаштирилган. Ҳокимларга ушбу мактабларни таъмирлаб, барча шароитларни яратиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда вазирлар ва ҳокимлар, мактаб директорлари сўзга чиқиб, тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА ВА МИНТАҚАВИЙ КҮН ТАРТИБИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 апрель куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари муқаддас Рамазон ойи бошлангани билан бир-бирларини самимий кутлаб, биродар Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларига фаровонлик ва раванқ тилалар.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Узаро савдони кўпайтириш, саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш, маданий-гуманитар

дастур доирасида фаол алма-динувларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, минтақавий ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари, шу жумладан, жорий йил сентябрь ойида Ўзбекистонда ШХТ саммитини ўтказиш ва унга тайёрларлик кўриш юзасидан фикр алмашилди.

Президентларнинг мулоқоти ҳар доимгидек ишчан даўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ПОКИСТОН ҲУКУМАТИ РАҲБАРИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

5 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистон Ислоҳ Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчи Имрон Хон билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Раҳбарлар муқаддас Рамазон ойи кириб келгани билан бир-бирларини самимий табриклаб, мамлакатларимизнинг дўст халқларига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва бардавом раванқ тилалар.

Жорий йил 3-4 март кунлари Покистонга амалга оширилган олий даражадаги давлат ташрифи якунида қабул қилинган қўшма "йўл харитаси" ижросининг бориши кўриб чиқилди. Энг аввало, савдо, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, фармацевтика, туризм, маданият ва бошқа устувор йўналишлардаги кўп қиррали ҳамкорлик лойиҳа ва дастурларини ўз вақтида амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон етакчиси Покистон Ҳукумати раҳбари ва халқига ушбу мамлакатда бўлажак муҳим сиёсий тадбир — парламент сайлови муваффақиятли ўтишини тиллади.

ЎЗА

ЙЎЛЛАР УМР ГАРОВИ ЭМАС, ТАРАҚҚИЁТ МАНЗИЛЛАРИГА АЙЛанаДИ

ҚАРОРГА ШАРҲ



Ҳар қандай ҳалокат — аянчли. Айниқса, у қутилимаганда, бахтсиз ҳодиса ортидан, инсон омили туғайли рўй берса, янада ташвишли.

Кейинги йилларда ижтимоий тармоқларда деярли ҳар куни автоҳалокат туғайли кимдир қурбон бўлгани ҳақида эшитяпмиз, видеолаёҳалар кўряпмиз. Улар тақдирга, яқинларига ачинамиз, фожиа айбдорларини ёмон кўраемиз. Шу билан ҳаёт ташвишларига шўнғиб кетамиз. Аммо бир инсон ўлими билан боғлиқ катта қайғу ортидаги барбод бўлган тақдирлар — етим қолган болалар, беғуноҳ фарзандидан ажралган ота-оналар, эрлар ё аёлларнинг оху зори йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларига яхши таниш...

Ҳаммамиз йўлларда бахтсиз ҳодисалар бўлмаслиги тарафдоримиз, Яратгандан шунини тилаймиз. Аммо ҳаёт ўзгача. Инсон остона ҳаллаб кўчага чиққими, хоҳ транспортда, хоҳ пиёда бўлсин, йўл ҳаракати иштирокчисига айланади. Манзилимизга соғ-саломат етиб олишимиз ҳамда кўчалардаги ҳаракатларни тартибга солиш учун йўл ҳаракати қондалари жорий этилган ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари туну кун хизматда.

Давоми 2-бетда

ЯШИЛ МАКОН

“БАҒРИКЕНГЛИК БОҒИ”

бирдамлик ва ҳамжиҳатлик тимсоли



Юртимизда азалдан турли миллат ва элат вакиллари тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаб келади. Улар ирки, миллати, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, диний ибодат ва маросим, миллий байрамларини эмин-эркин ўтказишади. Айниқса, сўнгги йилларда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, дўстлик муҳитини ва кўп миллатли катта ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу йўналишда кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилмоқда.

“Янги Ўзбекистон” боғида ташкил этилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги тадбир юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва диний конфессиялар вакилларини ягона мақсад атрофида бирлаштирди.

Давоми 2-бетда

ШХТ САММИТИ ОЛДИДАН




ЭЛЧИЛАР ТЕХНОПАРКДА УЧРАШДИ

Бу амалий ҳамкорликнинг янги уфқларига йўл очади

Куни кеча Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ташаббусига кўра, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо, кузатувчи ҳамда мулоқот бўйича ҳамкор давлатларнинг мамлакатимиздаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ва вакиллари пойтахтимиздаги Яшнобод туманида жойлашган “ТЕХНОПАРК” МЧЖ фаолияти билан танишди.

Давоми 3-бетда



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги мажлисида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонун ва Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлашда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг масъулияти масаласи муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда сўз эркинлигини, давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш йўлида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Очик маълумотлар турлари кенгайтирилиши ахборот олиш эркинлигини, давлат органларининг жамият олдида ҳисобдорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Аммо юқорида қайд этилган қонун ва қарор ижроси ўрганилганда, айрим вазирлик ва идоралар ушбу ҳужжатлар талабларини бажаришда сусткашлик йўл қўяётгани аниқланди.

Жумладан, қонунга кўра, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурлар ижроси, бюджет маблағларидан фойдаланиш, ўтказилган очик танловлар (тендерлар) ва кимовиди савдолари, оммавий тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар расмий веб-сайтларда эълон қилиб борилиши керак. Бироқ деярли барча вилоятлар ҳокимликлари (Жиззах вилоятидан ташқари) веб-сайтида долзарб очик маълумотлар ва жамоатчиликни алоҳида қизиқтирадиган мавзулар бери ойдан уй ойгача янгиланмаган.

Қонунга кўра, веб-сайтларда ахборотни янгилаб бориш даврийлиги ҳафтага бир мартадан кам бўлмаслиги керак. Бироқ ўндан ортиқ давлат органи ва ташкилоти, жумладан, Халқ таълими вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Истеъмоқчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қашқадарё, Андижон, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан очик маълумотлар ўн кундан бир ойгача кечиктириб эълон қилинмоқда.

Ўрганилган 204 та туман ва шаҳар ҳокимликларидан 35 тасининг расмий веб-сайти ишламаяпти. Жумладан, Андижон вилоятининг Асака, Бустон, Булоқбоши, Шахрихон, Қўрғонтепа, Хўжаобод, Избоскан, Пахтаобод туманлари ва Хонобод шаҳри, Тошкент шаҳрининг Чилонзор, Миробод, Мирзо Улуғбек, Олмасор, Шайхонтоҳур, Яқасарой, Юнус-обод, Бектемир туманлари, Сирдарё вилоятининг Гулистон, Янгиер шаҳарлари, Мирзаобод ва Ховос туманлари, Қашқадарё вилоятининг Қамати, Миришор, Нишон туманлари, Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус, Тўртқўл, Тахтамош туманлари, Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ва Қўшқўл тумани, Сурхондарё вилоятининг Денов, Саросиё туманлари, Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри, Самарқанд вилоятининг Самарқанд тумани, Наманган вилоятининг Наманган шаҳри, Бухоро вилоятининг Бухоро тумани ҳокимлиги сайтлари ана шундай аҳволда.

Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 27 июндаги қарорига мувофиқ, 280 дан ортиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органида биринчи марта ахборот хизмати ташкил этилди. 90 дан ортиқ ташкилотда ахборот хизматлари тегишли мақом ва шарт-шароитлари билан қайта ташкил қилинди.

Бироқ ҳалигача айрим вазирлик ва идоралар давлатимиз раҳбари қарори талабларини бажармай келмоқда. Мисол учун, республика даражасидаги 3 та ташкилотда ахборот хизмати раҳбари ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчи мақомига эга эмас. 10 та вазирлик ва идорада матбуот котиби меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари кўра ташкилот раҳбари ўринбосарига тенглаштирилмаган. Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликларидан матбуот котиби лавозими вакант. Худудларда ахборот хизматларига қўшимча штатлар ажратилмагани сабабли ўтказилаётган тадбирлар, янгиликлар тезкорлик билан, сифатли ёритилмаётир.

Мажлисида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги раҳбариятига тизимда очиклик сиёсати қонирасизлиги, Сирдарё вилояти ҳокимлигига Гулистон, Янгиер шаҳарлари, Боёвут, Сайхунобод, Оқолтин, Сардоба ва Мирзаобод туманлари ҳокимликларидан ахборот хизмати фаолияти яхши ташкил этилмагани кўрсатиб ўтилди.

Мамлакатимизда юритилаётган очиклик сиёсати юзасидан ишларни етарли ташкил этмагани, ОАВ ва жамоатчилик билан алоқаларни тизимли йўлга қўймагани учун Автомобиль йўллари қўмитаси раиси А.Абдувалиев ва Андижон шаҳри ҳокими Б.Хайдаров огоҳлантирилди.

Барча вазирлик ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига юқорида қайд этилган қонун ва қарор ижросига қаратилган манзилли чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаб, амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Муҳокама якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг баёни қабул қилинди.

ҚАРОРГА ШАРҲ

ЙЎЛЛАР УМР ГАРОВИ ЭМАС, ТАРАҚҚИЁТ МАНЗИЛЛАРИГА АЙЛНАДИ

Олим САИДОВ, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Афсуски, бугун мамлакатимиз йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамат масаласига айланб борапти. Зеро, биргина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 10 мингдан зиёд йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларда 9 мингдан ортиқ инсон жароҳатланган, 2 минг 500 га яқин одам ҳалок бўлган.

Шу маълумотнинг ўзиёқ йўлларни ҳаракат хавфсизлигининг замонавий талабларига тўлиқ мувофиқлаштириш, ҳайдовчи ва пиёдаларнинг ҳаракат маданиятини ошириш, йўл қоидаларига қатъий риоя қилишни, ҳар қандай қоидабузарлик учун жазо муқаррарлигини таъминлаш, соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш ўта муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканини кўрсатиб турибди.

Президентимизнинг жорий йил 4 апрелдаги “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори олдимизга янада катта вазифаларни қўяди. Мухими, бу ҳужжат инсон ҳаёти билан бевосита боғлиқ, минглаб, миллионлаб тақдирларни ҳимоя қилади.

Аввало, қарорнинг ҳақсиди билан танишса: йўл-транспорт ҳодисалари келиб чиқишига таъсир этаятган омилларни илмий-амалий ёндашувлар асосида бар-тараф этиш, шу орқали фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш.

Шу мақсадга эришиш учун қарорни ишлаб чиқишда янги Ўзбекистон шароитида автомобиль йўлларида инсон ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи ҳар қандай ҳодисалардан қафолатли ҳимоя қилишни назарда тутувчи қатор чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, энди йўлларда ҳаракатланиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг янги тартиб-қоидалари жорий этилади. Бу асосан бешта долзарб йўналишда акс этади.

Биринчи — автомобиль йўллари инфратузилмасини такомиллаштириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, йўл ҳаракати иштирокчиларнинг “пиёда — жамоат транспорти — велотранспорт — автотранспорт” устуворлиги асосида хавфсиз ҳаракатланиши учун ишончли шарт-шароитлар яратиш.

Иккинчи — ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимига инновацион педагогик технологияларни жорий қилган ҳолда ўқув жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш.

Учинчи — ҳайдовчи ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини ошириш, ҳар қандай қоидабузарлик учун жазо муқаррарлигини таъминлаш.

Тўртинчи — йўл ҳаракати қоидалари асосларини болалиқдан синдиришни йўлга қўйиш, ушбу амалиётни мактабга таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларида жорий этиш.

Бешинчи — йўл ҳаракатини ташкил этишни тўлиқ рақамлаштириш, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилган ҳолда янги бошқарув ва назорат тизимларини татбиқ этиш.

ЯШИЛ МАКОН

“БАҒРИКЕНГЛИК БОҒИ” бирдамлик ва ҳамжиҳатлик тимсоли

Бошланиши 1-бетда

Тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназаров, Дин ишлари бўйича қўмита раиси Содиқ Тошбоев, Миллатлараро муносабатлар ва хоржий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси Рустам Қўрбонов, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган диний конфессиялар етакчилари ҳамда миллий маданий марказлар вакиллари иштирок этди.

Тадбир давомида дин арбоблари атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари ҳақида сўз юритиб, бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-сиёсий ислохотларга ўз муносабатини билдирди.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илгари сурилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Яшил йиллик” умуммиллий тадбирлари юртимиз бўйлаб кенг амалга оширилмоқда. Эзгу мақсаднинг амалий қадамлари ўлароқ, март ойида Ўзбекистон халқаро ислом академиясида юртимиздаги 16 та конфессия вакиллари иштирокида учрашув бўлиб ўтган эди. Унда ирки, миллати, диний эътиқодга мансуб-лигидан қатъи назар, барча қордоқларимизни “Яшил йиллик” умуммиллий тадбирида фаол бўлишга ундовчи баёнот қабул қилинди.

“Янги Ўзбекистон” боғида баёнотнинг амалдаги ифодаси ўлароқ, диний



Ана шу бешта йўналишда белгиланган вазифалар ижросига аллақачон киришилди. Қолаверса, Президентимиз қароридан мазкур соҳага бир қатор янгиликлар киритилиши назарда тутилган. Хусусан, **2022 йил 1 декабрдан ҳайдовчиларга йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарима балларини ҳисоблаш тизими жорий этилади.**

Бу тизимга изоҳ беришдан олдин қайд этиш жоизки, қарор лойиҳасини ишлаб чиқишда 10 дан ортиқ илғор хоржий давлатнинг ижобий тажрибалари, 7 та халқаро



стандарт талаблари ўрганиб чиқилди ва 6 та нуфузли халқаро ташкилотнинг тавсиялари инобатга олинди. Мисол учун, БАА, Туркия, Германия, Хитой, Жанубий Корея каби давлатларда йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича жарима балларини ҳисоблаш тизими жорий этилган. Бу йўл қоидаларига сузсиз амал қилинишида катта самара бермоқда.

Халқаро тажрибадан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳам шу тизим жорий этилади. Жарима балларини ҳисоблаш тизими, биринчидан, ҳайдовчиларга қайсидир маънода қоидаларга риоя қилишда мотивация беради. Бунда шахсий манфаатдорлик ва ҳисобдорлик бор. Чунки қайсидир жарима туридан кам балл ҳисобланишига эришиб ёки умуман, баллсиз келгуси йиллар учун рағбат йиғиш ҳамма учун муҳим. Иккинчидан, жарима балларини ҳисоблаш тизими ҳайдовчилар масъулиятини оширади. Боиси, жарима баллари белгиланган кўрсаткичдан ошган тақдирда ҳайдовчи муайян муддат автомобиль бошқаруш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Бу борадаги ўрганишлар кўрсатмоқдаки, юртимизда автотранспорт воситалари кўпайгани сари ҳайдовчиларнинг малакаси ва

ўзаро ҳурмати пасайиб бормоқда. Масалан, ўтган йили йўл-транспорт ҳодисаларининг 75 фоизини 35 ёшгача бўлган ҳайдовчилар содир этган. Автоматлашган ўқитилаётган китоблар, ўқув дастурлари эскича. Мамлакат бўйича жами 962 та автоматлашган фаолият танқидий ўрганиб чиқилганида, 481 тасининг (50 фоиз) белгиланган талабларга мутлақо жавоб бермаслиги аниқланди.

Шу босис, қарорда ҳайдовчиларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чоралари белгиланди. Унга кўра, автоматлаш ва имтиҳон марказларига лицензияни бериш ваколати Ички ишлар вазирлигига, автоматлашнинг замонавий ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, уларнинг ўқитувчи ва мураббийларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ИИВ академияси зиммасига юкланди.

Бунга қадар автоматлашга лицензия бериш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ваколатида бўлган. Тазкивланган жоизки, мазкур инспекциядаги фақат бир ходимнинг юртимизда мавжуд мингдан ортиқ ташкилотни ўрганиб чиқиш имконияти бўлмаган. Натижада автоматлаш қадар қамчиликларга йўл қўйилган. Ҳайдовчилар етарли тажрибага эга бўлмасдан транспорт воситасини бошқариши

томонидан замонавий махсус техника воситалари билан таъминланган ҳолда, бино-иноотлар билан биргаликда ИХХХнинг худудий бошқармаларига ўтказиб берилди.

ИИВ ИХХХ ҳузурида “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика жамғармаси ташкил этилади. Жамғарма маблағлари фақат мақсадли сарфланади, жумладан, йўл ҳаракати техник воситаларини ўрнатиш, уларга техник хизмат кўрсатиш, йўл чизиклари чизиш, шунингдек, боғчалар, мактаблар ва маҳаллаларда болаларнинг йўл ҳаракати қоидалари бўйича бошланғич билимларини шакллантиришга қаратилган ўқув базасини яратиш, йўл ҳаракати қоидаларини амалий ўргатиш майдончаларини ташкил қилишни молиялаштириш каби тадбирларга йўналтирилади.

Нукус ва Тошкент шаҳри, вилоятлар марказидаги чорраҳаларни тўлиқ рақамли бошқарув тизимига ўтказиш бевосита ҳокимлар зиммасига юкланмоқда.

Бугунги даврда транспорт оқимини бошқаришнинг энг самарали йўли инсон омилни истисно қилувчи рақамли технологияларни кенг жорий этишдир. Лекин ҳатто пойтахтда ҳам “рақамли бошқарув” жами 602 та чорраҳадан 111 тасида бар, холос.

Энди Тошкент шаҳрининг барча, Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларининг асосий серкатнов чорраҳалари 2023 йил якунига қадар, вилоятлар марказларининг барча чорраҳалари 2024 йил якунига қадар мазкур тизимга ўтказилади.

Туман (шаҳар) ҳокимликларига ўз худудларидаги автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилишини қайд этувчи махсус автоматлаштирилган фото ва видео дастурий-техник воситаларини ўрнатиш ҳуқуқи берилди.

Мазкур воситалар орқали қайд этилган қоидабузарликлар учун жарима суммасининг 30 фоизи бевосита туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига йўналтирилади ҳамда йўл ҳаракатини рақамлаштириш, йўл инфратузилмасини ривожлантиришга сарфланади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича республика махсус комиссияси, унинг худудий махсус комиссиялари тузилади.

Худудий махсус комиссиялар ҳар ойда йўлларнинг ҳолати ва мавжуд инфратузилма, хавфли авария участкалари, қоидабузарликлар таҳлилидан келиб чиқиб, ҳаракат хавфсизлиги, транспорт ва йўл соҳаларига масъул идоралар раҳбарлари фаолиятини танқидий ўрганиб, маҳаллий кенгашларга мувоқама қилиш учун киритади ва натижалари бўйича республика махсус комиссиясига ҳисобот тақдим этиб боради.

2022 йил 1 июндан бошлаб барча туман (шаҳар)лар кесимида “Хавфсиз йўл” индексини юритиш амалиёти йўлга қўйилади.

Махсус комиссиялар ҳар чоррақада худудларда йўл ҳаракатини самарали ташкил этиш ҳолатини 29 та индикатор бўйича баҳолаб боради. Индекс натижалари асосида туман-шаҳарлар “ашиш”, “сарик” ва “қизил” тоғаларга ажратилади.

Шу билан бирга, йўл белгиларини ишлаб чиқариш соҳасидаги монополия бекор қилиниб, рақобат муҳитини шакллантириш имконияти яратилади.

Бир сўз билан айтганда, янги қарорда йўлларда хавфсизлигини таъминлаш, ҳаракатни ташкил этиш ва бошқариш бўйича қўлаб тизимли чоралар белгилаб берилди. Мақсад эса битта — йўлларимиз раван, сафаримиз бехатар бўлсин!



Умар САЛМОНОВ, Ўзбекистон турк миллий маданият маркази раиси:

— Бугун давлатимиз миллий сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишидан бири — барча миллатларнинг раванлиги учун тенг шароит ва имконият яратиш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат. Айни пайтда барчамиз бир осмон остида, эзгу мақсад атрофида бирлашиб, умргузаронлик қиляпмиз. Ана шу муштараклик манунаси — “Бағрикенглик боғи” юртимиздаги бирдамлик ва ҳамжиҳатлик тимсолига айланган шак-шубҳа йўқ. Тадбир доирасида Ўзбекистондаги барча миллат вакиллари бир ёқадан бош чиқариб, атроф-муҳитни кўркамликка, экология барқарорлигига ўз улушимизни қўшишни мақсад қилдик. Дарахтлар — тоза ҳаво манбаи. Тоза ҳаво эса саломатликка, соғлом авлод қамолига хизмат қилади. Бу ҳаракатимиз халқимизга манзур бўлади, деб ишонаман.

Бугун мамлакатимизда диний ташкилотлар ҳамда миллий маданий марказларнинг эмин-эркин фаолият олиб бораётгани, улар иштирокида турли тадбирлар ташкил этилаётгани ҳам юртимизда ҳукм сураётган бағрикенгликнинг амалий ифодасидир.

Башорат ЮНУСОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

БИР МАКОН МАҚСАДЛАРИ

Янги тажрибалар минтақа тараққиётига йўналтирилади

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон ташқи сиёсатида кузатишга эришилган мамлакатимизнинг дунёга очиклигини таъминлади. Шунингдек, минтақавий ва кўп томонлама ўзаро ҳамкорлик муносабатларида қадим давлатчилик тарихига эга Ўзбекистоннинг янги руҳи шаклланди.

Гап шу ҳақда борар экан, халқаро ташкилотлар билан алоқалар мустаҳкамланган, бунда мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатга ишонч пайдо бўлганини ҳам таъкидлаш ўринли бўлади. Бугунги кунда нуфузли тузилма сифатида халқаро майдонда мустаҳкам ўрин эгаллаган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти билан алоқаларимизнинг янги ҳаёт даўрада шаклланиши ҳам фикримиз далилидир.

ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА МАСОФАВИЙ АУДИТНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси 45 та вазирлик ва идоралар, давлат органлари ва ташкилотларнинг дастурий таъминотига уланган ҳамда уларнинг электрон маълумотлар базасидан онлайн фойдаланиш ваколатига эга. Пандемия даврида иқтисодий инқироз оқибатларини юмшатиш зарурлигидан келиб чиқиб, Ҳисоб палатаси 3 та йўналишга алоҳида эътибор қаратди.

Биринчи йўналиш, давлат бюджетига кўшимча даромад манбаларини аниқлаш. Бунда солиқ, молия, статистика органлари дастурий комплексларидаги электрон ҳисоботлар масофадан туриб ўзаро солиштирилган ҳолда, бюджетга кўшимча даромад манбалари аниқланди ва ундирилиши таъминланди.

Иккинчи йўналиш, пандемия оқибатларини юмшатиш тадбирлари учун сарфланган маблағлар тўғрисида мақсадли сарфланганининг масофавий назорати олиб борилди ҳамда давлат бюджети харажатларини мақбуллаштириш имкониятлари ўрганилди.

Ҳисоб палатасининг барча ходимлари вазирлик ва идоралар харажатларини ушбу тизим орқали кунилик мониторинг қилиш учун бириктирилди. Молия вазирлигининг дастурий таъминоти орқали харажатлар таҳлил қилиниб, ҳукумат билан биргаликда устуворлик даражаси юқори бўлмаган харажатлар келгуси даврларга ўтказилиши таъминланди. Шунингдек, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тижорат банклари ва бошқа ташкилотлар маълумотлар базаларини кунилик мониторинг қилган ҳолда, иш ҳақи ўз вақтида ва тўғри тўлинишига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, пандемия даврида давлат бюджетидан асосий воситаларни харид қилиш ва капитал таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни вақтинчалик тўхтатиш лойиҳасини тезроқ ишга тушириш бўйича таклиф берилди.

Масалан, солиқ ҳисоботларидаги кўрсаткичлар билан статистика бўлиmlарига топширилган ҳисоботлар, ташқи савдо айланмаларидаги бажарилган қурилиш ҳажмлари ҳамда давлат харидлари кўрсаткичларини ўзаро таққослаш орқали солиқ тўлаш манбаларини камайтириб кўрсатиш ҳолатларининг олди олинди.

Давлат мулкни бошқариш агентлиги маълумотлар базаси орқали давлат улушига эга корхоналарнинг молиявий натижаларини таҳлил қилиниб, бюджетга тўлиниши лозим бўлган дивидендлар ундирилиши таъминланди.

Давлат бюджети ва ташқи қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари белгиланган муддатларда бажарилиши доимий равишда масофавий таҳлил қилинди. Мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш юзасидан ҳукуматга тавсиялар киритиб борилади.

Жумладан, чет эллик тор доирадаги мутахассисларни республикага олиб келиш ва ишга тушиш муддати



ШХТнинг мақсади аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт, маданий-маърифий, таълим, туризм каби соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиш, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдир. Ушбу мақсадларга эришишда аъзо мамлакатларнинг олий молиявий назорат органлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамият касб этади.

кечкаётган 81 та йирик инвестиция лойиҳасини тезроқ ишга тушириш бўйича таклиф берилди.

Ҳисоб палатасининг барча ходимлари вазирлик ва идоралар харажатларини ушбу тизим орқали кунилик мониторинг қилиш учун бириктирилди. Молия вазирлигининг дастурий таъминоти орқали харажатлар таҳлил қилиниб, ҳукумат билан биргаликда устуворлик даражаси юқори бўлмаган харажатлар келгуси даврларга ўтказилиши таъминланди.

Шунингдек, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тижорат банклари ва бошқа ташкилотлар маълумотлар базаларини кунилик мониторинг қилган ҳолда, иш ҳақи ўз вақтида ва тўғри тўлинишига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, пандемия даврида давлат бюджетидан асосий воситаларни харид қилиш ва капитал таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни вақтинчалик тўхтатиш лойиҳасини тезроқ ишга тушириш бўйича таклиф берилди.

алоҳида веб портал (saxovat.uz) ишга туширилди. Ушбу портал орқали давлат ва ҳомиёлар томонидан етказиб берилган маблағ, моддий қийматликлар ҳақиқатан муҳтож бўлган фуқароларга етиб бориши устидан масофавий назорат ўрнатилди.

Учинчи йўналиш, инвестиция лойиҳаларининг қонунлар ва Президент фармонлари ва қарорларидаги топшириқларни ўз муддатидан сифатли таъминоти устидан назорат қилиш вазифасини Ҳисоб палатаси масофавий назорат шаклида амалга ошириб бори.

Бунда "ijgo.gov.uz" махсус дастурий комплекси яратилган бўлиб, давлат органларига берилган ҳар бир топшириқ Адлия вазирлиги томонидан ушбу дастурий комплексга киритиб юкланди. Ҳисоб палатаси дастурий комплексдаги мазкур ахборотлар ҳақиқийлигини масофавий назорат қилиб бори.

Жумладан, коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17 та фармон ва қарори қабул қилинди. Уларда ижро ҳоқимиятига жами 290 та топшириқ берилди.

Бунда асосан тадбиркорлик субъектларига даврий солиқ имтиёзларини бериш, аҳолини иш билан таъминлашга мақсадли маблағларни ажратиш юзасидан топшириқлар юкланди. Ҳисоб палатаси пандемия шароитида ушбу топшириқларни ижро ҳоқимияти томонидан бажарилишини қатъий назорат қилиб бори.

Шу билан бирга, назорат тадбирини масофавий усулда олиб боришда бир қатор қийинчиликлар ҳам юзага келди.

- назорат объектларининг ҳаммаси ҳам фаолиятига етарли даражада ахборот-коммуникацияларини жорий этмаган;
- маълумотлар базаси электрон форматда тўлиқ шакллантирилмаган (рақамлаштирилмаган);
- масофавий назоратни ўтказишнинг услубий базаси етарли эмас;
- ходимларнинг ахборот коммуникацияларидан фойдаланиш ва масофавий назоратни амалга ошириш борасида касбий кўникмалари, тажрибалари етарли бўлмастидир.

ПАНДЕМИЯ, БУ — ҲАМ ИНҚИРОЗ, ҲАМ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

COVID-19 пандемияси инсоният дунёқарашини, ҳаётга, оламу коинотга бўлган ёндашуларини ўзгартириб, янги ҳаёт тарзини олиб кирди. Қолаверса, барча ташкилотлар иш фаолияти учун мисли қурилмаган саҳифа очиб бергани ҳам бор гап. Бу, бир томондан, инқирозли ҳодиса сифатида буй кўрсатган бўлса, иккинчи томондан, янги имкониятларни ишга туширишга туртки берди.

Масалан, биргина онлайн ишлаш ва турли давлат ёки жамоатчилик хизматларини масофадан туриб бошқариш кўникмасини олайлик. Мутахассислар ташкилотлар кундалик операцияларини масофавий форматда ташкил қилгани сўнгги 2 йилда кўпайиб инновацияларга сабаб бўлганини таъкидлаган. Шундан келиб чиқиб, олий аудит органлари ҳам ўз фаолиятини инклюзив (кенг қамровли) ва мослашувчан қилиш имкониятини синнаб кўрди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси бошқа давлатлар ташқи аудит органлари билан ҳамкорлик ва шериклик муносабатларини янада ривожлантириш мақсадини ўз олдига қўйган.

Авваламбор, давлат молиявий назоратини амалга оширишда масофавий назоратни қўллаш, ахборот технологияларидан ва дастурий комплекслардан самарали фойдаланиш борасида халқаро ҳамкорликни жадаллаштириш кун тартибидagi асосий масалалардан биридир. Шу мақсадда ШХТ доирасидаги ҳамкорлик ўз самарасини бериши шубҳасиз. Бомси, Евроосис ҳудудининг 60 фоизи, дунё аҳолисининг 45 фоизи ва жаҳон ялли ички маҳсулотининг 20 фоизини қамраб олган ШХТ — улкан истикболли ҳамкорлик макони саналади.

ШХТнинг мақсади аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт, маданий-маърифий, таълим, туризм каби соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиш, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдир. Ушбу мақсадларга эришишда аъзо мамлакатларнинг олий молиявий назорат органлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Лутфулла СУВОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

ШХТ САММИТИ ОЛДИДАН

ЭЛЧИЛАР ТЕХНОПАРКДА УЧРАШДИ

Бу амалий ҳамкорликнинг янги уфқларига йўл очади



Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизнинг ШХТга раислиги доирасида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ўринбосари В.Норов юртимизда янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, кафолатли сарможий муҳитини шакллантириш, инвесторларни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар ҳақида қисқача сўзлаб берди. Президентимиз ташаббуси билан айни пайтда Самарқанд вилоятининг Ургут туманида Ўзбекистон — ШХТ

саноат зонасини ташкил этиш бўйича қизгин ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

Мазкур лойиҳанинг ишга туширилиши ШХТ мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий ва саноат ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришга кўшимча туртки беради.

Дипломатик корпус вакиллари саноат кондиционерлари, машиий ва тижорат музлаткичлари, совитувчи витриналар, лифт ва эскалаторлар,

— Технопаркда ҳақиқий маънодаги янги Ўзбекистон ислохотларини кўрдим. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган замонавий лифтлар, машиий техникалар таҳсинга лойиқ, — дейди Хитойнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Цзян Янь. — Тўрт йил олдин мен элчи бўлиб келган вақтда Ўзбекистонда бундай катта ишлаб чиқариш қувватлари бўлишини кўз олдимизга келтириш қийин эди.



фурнитур ва аксессуарлар, сув насослари, иситиш радиаторлари, ошхона техникаси, кир ювиш машиналари, ақли ҳисоблагичлар, мис қувурлар ишлаб чиқариш цехлари фаолияти билан яқиндан танишди.

Хорижий дипломатларга 2019 йилда Президентимиз қарори билан ташкил этилган мазкур замонавий мажмуа фаолиятининг асосий йўналишлари, шунингдек, амалга оширилаётган ва

режалаштирилаётган лойиҳалар хусусида маълумот берилди.

— Дунёда илгор технологик ишланмалар жадал ривожланаётган. Бугун Тошкентдаги технопарк фаолияти билан танишар эканмиз, Ўзбекистонда ҳам ана шу жараёнга гувоҳ бўлдик, — дейди Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Маниш Прабхат. — Бу ерда машиий ва тижорат музлаткичлари, лифтлар,



— Дунёда илгор технологик ишланмалар жадал ривожланаётган. Бугун Тошкентдаги технопарк фаолияти билан танишар эканмиз, Ўзбекистонда ҳам ана шу жараёнга гувоҳ бўлдик, — дейди Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Маниш Прабхат. — Бу ерда машиий ва тижорат музлаткичлари, лифтлар, бошқа саноат ҳамда қурилиш махсулотлари мукамал дастурий таъминот технологиялари асосида ишлаб чиқарилаётгани кувонтирдим.



Музаффар Абдулқодров оғлини сураётган.

бошқа саноат ҳамда қурилиш махсулотлари мукамал дастурий таъминот технологиялари асосида ишлаб чиқарилаётгани кувонтирди. Бу Ўзбекистонда илгор ва янги технологияларни саноатлаштириш кучаяётганидан далолат беради.

Мазкур технопаркда ҳам катта ишлаб чиқариш қувватлар мавжуд. Махсулотлар экспорт қилинаётгани ҳам барқарор ривожланиш мақсадларига тўла мос келади. Айниқса, технологиялар "яшил энергетика" тамойилларига мувофиқ ишлаётгани эътиборлидир. Ҳиндистон илгор технологик саноат ишлаб чиқариши соҳасида фаол ҳамкорликдан манфаатдор. Шу маънода, ҳозир саноат корпорацияларимиз ўртасида ҳамкорликни кучайтиришимиз керак, деган хулосага келяман. Бу янги бозорларга чиқиш ва илгор технологияларни экспорт қилишга кўмак беради.

Дипломатлар "ТЕХНОПАРК" МЧЖда яратилган шарт-шароитларни юқори баҳолаган ҳолда, ШХТ давлатлари технопарклари ўртасида амалий, илмий ва ишбилармонлик алоқаларини кенгайтириш муҳимлигини алоҳида қайд этди.

Улуғбек АСРОРОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

TASHKENT INTERNATIONAL INVESTMENT FORUM

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ

Истиқболли ҳамкорлик ва самарали келишувлар

Ўзбекистон охириги йилларда дунё учун очик мамлакатга айланди. Савдо-иқтисодий, маданий, транспорт, тиббиёт, умуман, барча соҳаларда хориж давлатлари билан дўстона алоқалар кенгайиб борапти. Айнисига, ўтган қисқа вақт ичида юртимизда ишбилармонлик учун қулай муҳит яратилиб, инвесторлар фаолиятига тўсиқ бўлиб келган барча ҳолатлар бартараф этиляпти. Буни жорий йилнинг 24–26 март кунлари илк бор ўтказилган Тошкент халқаро инвестиция форуми қатнашчилари — нуфузли меҳмонлар ҳам алоҳида эътироф этди.

Йирик тадбиркорлик анжумани дунёнинг 56 давлатидан 2 мингдан ортиқ иштирокчи —

инвестор ва юқори мартабали меҳмонларни пойтахтимизда жамлади. Форумнинг панель мунозаралари ва тадбирлари доирасида мамлакатимизнинг турли тармоқлари ва ҳудудларининг инвестициявий ҳамда иқтисодий имкониятлари намойиш этилди. Форум доирасида бир неча кун давомида барча соҳаларда олиб борилган музокаралар катта форматдаги келишувларга асос бўлди. Форум яқунлари бўйича 7,8 миллиард долларлик аниқ шартномалар ва инвестициявий битимлар пакети имзоланди. Қиймати 3,5 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича дастлабки келишувларга эришилди.

Яшил энергетика сари

Бугунги кунда энг катта хорижий инвестиция киритилаётган тармоқлардан бири — энергетика соҳаси ҳисобланади. Маълумотларга кўра, 2019–2021 йиллар давомида соҳада умумий қуввати 7 минг 231 мегаваттга тенг 17 та инвестиция битими имзоланган. Натيجида юртимизнинг турли ҳудудларида иссиқлик, қуёш, шамол электр станциялари қурилиб, экологик тоза, муқобил энергия манбалари яратилляпти.



Азим АХМЕДХАДЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
энергетика вазирининг
биринчи ўринбосари:

— Бирлашган Араб Амирлигининг "Masdar", Саудия Арабистонининг "ACWA Power", Туркиянинг "Akse Enerji" каби дунёга машҳур йирик компаниялари билан ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга оширялган. Хусусан, 2021 йил август ойда "Masdar" компанияси Навоий вилоятида фойдаланишга топширилган қуввати 100 МВт. бўлган Ўзбекистондаги биринчи қуёш фотоэлектр станцияси лойиҳасини муваффақиятли ишга туширди.

Инвестицион форум доирасида компания бош директори Муҳаммад Жамил Ал Рамоҳи бошчилигидаги делегация аъзолари билан ҳам музокаралар ўтказдик. Мулоқотда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг бориши, шунингдек, бир қатор йўналишлар бўйича ҳамкорликни ривожлантириш, қайта тикланувчи энергетика объектларида ишлаб чиқариладиган энергияни сақлаш технологиялари ҳақида сўз борди. Халқаро компания биз билан ҳамкорликни давом эттиришга тайёр. Улар Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида умумий қуввати 1 минг 497 МВтга тенг бўлган қатор лойиҳалар, жумладан, Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё вилоятларида қуёш фотоэлектр станциялари, Навоий вилоятида 500 МВт. қувватли шамол электр станцияларини қуришни режалаштирмақда.

Тошкент халқаро инвестиция форумининг муҳимлиги шундаки, биз бир вақтнинг ўзида кўплаб йирик хориж компаниялари билан музокаралар олиб бориш имкониятига эга бўлдик. Уларни фаолиятимиз билан таништириш, лойиҳалар ҳақида маълумотлар бериш учун етарли вақт бўлди. Бу эса ҳамкорликда янги битимларни имзоланишига хизмат қилди. Шундай шартномалардан бир нечаси Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) билан имзоланди. Лойиҳада қўшимча 1 ГВт қувватга эга қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш кўзда тутилган. Бунинг учун инвесторларни танлов асосида танлаш бўйича консалтинг

хизматларини олиш доирасида ҳар бир институт билан ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олдик. Бу бизнинг мазкур халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликдаги илк ишимиз эмас. 2018-2019 йилларда ҳам шу каби шартномалар имзоланган.

Сўнги йилларда юртимизда қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш ишлари фаоллашгани бежиз эмас. 2020 йилда ҳукуматимиз томонидан кейинги 10 йилда қуёш фотоэлектр станциялари қувватини 5 гегаватт, шамол электр станциялари қувватини 3 гегаваттга етказиш вазифаси қўйилган. Бу мақсадлар Энергетика вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган 2020–2030 йилларда электр энергетика тармоғини ривожлантириш концепциясида ҳам белгиланган эди. Утган йили мамлакатимиз аҳолиси ва иқтисодиёти учун фойдали бўлган тариф тақлифлари таҳлили асосида масаланинг Энергетика вазирлиги томонидан ишлаб чиқариладиган қуввати 100 МВт. бўлган Ўзбекистондаги биринчи қуёш фотоэлектр станцияси лойиҳасини муваффақиятли ишга туширди.

Албатта, бу вазифаларни амалга ошириш учун халқаро ҳамкорлар зарур бўлади. Шу боис, инвестицион форум доирасида Энергетика вазирлиги "Rothschild & Co" инвестиция банки билан шартнома имзоллади. Ҳамкорликни ривожлантириш шартлари бўйича музокаралар "Rothschild & Co" директорлар кенгаши аъзоси Баронесса Ариелла де Малард де Ротшильд бошчилигидаги делегация вакиллари билан ўтказилди. Келишувга



кўра, мазкур халқаро инвестиция банки мамлакатимизда энергетика соҳасидаги истиқболли лойиҳаларни таҳлил қилиш, молиялаштириш, кредитлаш ва уларда бевосита иштирок этиш орқали потенциал инвесторларни аниқлаш ва жалб қилиш бўйича стратегик маслаҳатчи сифатида фаолият олиб боради.

Форум давомида вазирлигимиз тизимидаги "Иссиқлик электр станциялари" АЖ ҳам қатор манфаатли келишувларга эришди. Ҳамкорлардан бири Италиянинг "AC BOILERS S.p.A" компаниясидир. Улар билан тизим корхоналарида "экологик тоза" энергия ускуналарини ўрнатган ҳолда қувватларни ошириш бўйича меморандум имзоланди. Аслида, мазкур компания билан музокаралар аввалроқ — 2022 йилнинг февралда бошланган эди. Унда италияликлар билан аънавий иссиқлик электр станцияларида барқарорликни ошириш

мақсадида модернизация ишларини олиб бориш, амалдаги газ турбиналари ва буғ қозонларидан фойдаланишда иссиқлик қозонларининг самарадорлигини ошириш каби масалалар бўйича мулоқотлар ўтказилган. Форум доирасида келишувлар расмий ҳужжатлар асосида мустаҳкамланди.

Анжуманда яна бир катта лойиҳа — Сирдарё вилоятида қуввати 1 минг 600 МВт. бўлган замонавий иссиқлик электр станциясини қуриш бўйича ҳамкорликка эришилди. Уни Марказий Осиё ва МДҲ давлатларида очик тендер савдолари орқали амалга оширилаётган энг йирик инвестиция лойиҳаларидан бири, дейиш мумкин. Битим "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ ҳамда Франциянинг "EDF", Қатарнинг "Nebgas Power" ва Япониянинг "Sojitz" компаниялари консорциуми ўртасида имзоланди.

Лойиҳа Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида амалга оширилади. Ҳудуддаги 55 гектар майдонда замонавий "H-class" даги қўшма циклда ишлайдиган газ ва буғ турбинали иссиқлик электр станцияси қурилиши режалаштирилган.

Станциянинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 12 миллиард кВт. соати ташкил этади. Фойдали иш коэффициентини 60 фоиздан юқори бўлгани ҳолда, йилга 1,1 миллиард куб метр табиий газ тежалашга эришилади. Аҳамиятлиси, станция қурилиши давомида 2 минг 500, ишга тушган эса 120 янги иш ўрни яратилади.

Умуман, юртимизда электр энергияси ишлаб чиқаришда хусусий сектор иштирокини ошириш борасидаги ишлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, сўнги уч йилда умумий қуввати 1 минг мегаваттдан зиёд бўлган 5 та электр станцияси давлат-хусусий шериклик асосида ишга туширилди. Жалб этилган хорижий инвестициялар миқдори 1 миллиард доллардан ошди.

Бу каби лойиҳаларнинг кўпи ҳудудларда ишга туширилган бўлса, янгиладиган тамал тоши қўйилляпти. Хусусан, инвестицион форум доирасида давлати-

Стратегик ташаббуслар ва сармоявий лойиҳалар



Форум доирасидаги лойиҳалар турли ҳудуд ва соҳаларни қамраб олган. Шартномаларда уларни амалга ошириш мuddати, жалб қилинадиган маблағ ҳамда эришилаётган натижалар ҳам белгиланган. Галдаги вазифа эса лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириб, ҳамкорликни янада кенгайтиришдан иборат.

Назмиддинхўжа ШАРИПОВ, Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи:

Ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Умумий қиймати 17,6 миллион долларлик лойиҳа тўлиқ тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар асосида амалга оширилди. Лойиҳанинг нафақат иқтисодий, балки экологик аҳамияти ҳам катта. Гал шундаки, қурилиш материаллари йиллар давомида фойдаланилмаётган, "Ангрен иссиқлик электр станцияси" АЖдан чиқаётган ёнган кўмир қуллари ва қолдиқларидан ишлаб чиқарилади. Улар чуқур қайта ишланиб, цемент ва бетон маҳсулотлари учун қўшимча хомашё тайёрланади. Бу эса ушбу маҳсулотларнинг сифатини янада яхшилаш баробарида, таннархнинг сезиларли пасайишига олиб келади.

Юлқа минерал кукун ишлаб чиқаришнинг биринчи босқичи 2022 йилда ишга туширилади. Дастлабки даврда 6 миллион доллар ўзлаштирилиб, 80 та иш ўрни яратилади. Лойиҳанинг 2- ва 3-босқичида эса автоклавланган газобетон блоклари ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Бугунги кунда замонавий, тежамкор қурилиш материаллари сифатида газобетон маҳсулотининг бозори чаққон. Халқ орасида унга бўлган талабнинг ортиб бораётгани, инвесторларни шу йўналишда маблағ киритишга қизиқтирмақда.

Газобетон говак бетоннинг бир тури бўлиб, уни "сунъий тош", деб ҳам аташади. Таркибиди 1-3 миллиметрли пуфаклар бўлгани ҳолда, оддий бетондан енгиллиги, етарли даражада мустаҳкамлиги, иссиқ ва совуқдан ахши ҳимоялаш хусусиятлари билан устунликка эга. Пишиқ гиштга нисбатан афзалликлари — табиий газни 8 марта кам сарфлайди, энергиятежамкор ва энг асосийси, уни тайёрлашда ундан тупроқ ишлатилмайди. Масалан, 1 куб метр гишт 1800-2000 килограмм оғирликка эга бўлса, шу ҳажмдаги газобетоннинг оғирлиги 500-700 килограммни ташкил этади. Бу эса, қурилиш жараёнини нафақат тезлаштирилади, балки бино пойдеворида тушадиган оғирликни ҳам камайтиради. Қолаверса, газобетондан фойдаланган ҳолда қурилган уй-жойлар ёзда салқин, қишда иссиқ бўлади.

Хитойликлар билан имзоланган лойиҳа мақсади ҳам аҳолининг ушбу қурилиш материалга бўлган талабини қондириб, импорт ўрнини босувчи, экспорт бўл маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат. Асосийси, инвестицион лойиҳанинг ишга туширилиши ортидан ҳудуддаги ўнлаб ишсиз одамларнинг бандлиги таъминланади.



Тайёр маҳсулотлар экспорти ортади

Инвестициялар, энг аввало, иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан янгилаш, юқори барқарорлик ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ўрни билан аҳамиятли. Тошкент халқаро инвестиция форуми бу борада ташланган муҳим қадамлардан бири бўлди. У маҳаллий корхона ва барча тармоқлар учун янги ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилишига хизмат қилди.

Абдулла ХУРСАНОВ, Олмалиқ кон-металлургия комбинати директори:

— Тараққиёт стратегиясига мувофиқ, юртимизда янги ички маҳсулот ҳажмини 100 миллиард долларгача ошириш мақсад қилиб олинган. Бунда саноат, жумладан, тоғ-кон саноатини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Комбинат олдида мис ишлаб чиқаришни 148 минг тоннадан 500 минг тоннага, мутаносиб равишда олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш вазифаси қўйилган. Ушбу мақсадларга эришиш учун комбинатда 3-, 4- ва 5-мис бойитиш фабрикаларини қуриш, янги мис эритиш заводини барпо этиш белгиланган.

Албатта, бу лойиҳаларни амалга ошириш катта инвестицияларни талаб этади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ушбу мақсадларга эришиш учун 15 миллиард доллар атрофида инвестициялар зарур бўлади. Халқаро форум ана шундай янги сармояларни кенг жалб қилишга йўл очди.

Жумладан, халқаро инвесторлар билан бир қатор келишувларга эришилди. Германиянинг "Falk Porsche Technik GmbH" компанияси билан таъсис шартномаси имзоланди. Янги қўшма корхона комбинат тарихидаги Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўтган асрда қурилган, жисмонан ва маънан эскирган бинолари негизда ташкил қилинмоқда. Корхона Европа, хусусан, Германиянинг энг илғор технологиялари ҳамда "яшил энергия"га асосланган ускуналари билан жиҳозланади.

Бугунги кунгача комбинат томонидан бирлашмада ишлаб чиқарилаётган молибден, вольфрам каби нодир металллар хомашё тарзида экспорт қилиб келинган. Лойиҳалар комбинат томонидан ишлаб чиқарилаётган рангли металлларни қайта ишлаш, улардан янги, экспорт бўл ва юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар



ишлаб чиқаришни кўзда тутади. Янги ташкил этиладиган қўшма корхонада умумий қиймати 32 миллион доллар бўлган 7 та инвестиция лойиҳа амалга оширилади. Эътиборли томони, лойиҳаларнинг 19 миллион доллари Германиялик ҳамкорларнинг тўғридан-тўғри инвестициялари ҳисобидан молиялаштирилади. Янги корхонада йилга умумий қиймати 294 миллион долларлик 15 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади. 300 дан ортиқ янги иш ўрни яратилиб, экспорт ҳажми 140 миллион доллардан ортади.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш лойиҳаси замонавий технологик ечим ва ускуналарга сиз қўйилган мақсадларга эриша олмайдими. Форум доирасида "Metso Outotec" (Финляндия-Германия) компанияси вакиллари билан ҳам музокаралар ўтказдик. Унда қурилаётган 3-мис бойитиш фабрикаси, 6-сон сульфат кислотаси цехи ҳамда янги барпо этиладиган Мис эритиш заводига ускуна ва технологиялар етказиб бериш масаласини муҳокама қилдик.

Бундан ташқари, форум доирасида жаҳондаги 10 та йирик банклар қаторига кирувчи Швейцариянинг "Credit Suisse" банки ва Германиянинг "Deutsche Bank" банки вакиллари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш борасида музокаралар олиб бордик.

Комбинат ҳамда Хитой давлатининг бир қатор компаниялари ўртасида ҳам манфаатли ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Хусусан, Хитойнинг муҳандислик-техник хизматлар қўрсатиш соҳасида етакчилардан бўлган "BGRIMM" компанияси билан ўзаро англашув ҳамда ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ҳамкорлик доирасида комбинат томонидан 70 йил давомида рудани қайта ишлаш натижасида тўпланиб қолган технологик чиқиндиларни қайта ишлаш борасида янги, инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга таъбиқ қилиш кўзда тутилган. Шунингдек, геология, кон ишлари ва ме-



таллургия соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасида ҳам таъриба алмашилади.

Бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қайта тикланадиган "яшил энергия" манбаларидан кенг фойдаланиш кун тартибидagi муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли форумда қуёш батареялари соҳасида дунёда етакчи ҳисобланган Хитойнинг "Longi Solar Technology CO., LTD" компанияси билан ўзаро англашув ва ҳамкорлик меморандуми имзоланган муваффақ бўлди.

Мазкур компания Хитой, Вьетнам ва Малайзияда 57 та ишлаб чиқариш базасига, АҚШ, Япония, Германия, Хундистон, Австралия, БАА, Таиланд ва бошқа давлатларда ўз филиалларига эга, 150 дан ортиқ мамлакатлар билан ҳамкорлик қилувчи жаҳондаги йирик ишлаб чиқарувчилардан бири ҳисобланади. Компания билан юртимиз ҳудудида қуввати 250 МВтдан кам бўл-

маган қуёш электр станцияси қурилиши билан боғлиқ техник-иқтисодий ишланмалар ва ушбу лойиҳага чет эллик инвесторларни жалб қилиш соҳасидаги ишларни олиб бориш назарда тутилган. Шу билан бирга, комбинатга тегишли корхоналар ҳудудида жойлашган биноларнинг том қисмида ҳам қуввати 1-7 МВт. бўлган қуёш панелларини ишга тушириш режалаштирилган. Бу корхонада электр энергиясига бўлган талабни қисман қоплаш борасида, комбинат ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Умуман олганда, форум шу каби йирик ҳамкорлик лойиҳаларига асос бўлди. Анжуман юртимизда инвесторлар учун энг қулай ва жозибадор шарт-шароитлар мавжуд экани, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш мумкинлигини кўрсатди. Шу жиҳатдан, халқаро форум Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси иқтисодиётига хорижий инвестиция ва замонавий технологияларни жалб қилишда доимий платформага айланиши кутилмоқда. Бу каби тадбирлар мамлакатимиз ишбилармонлари ва корхоналари учун ҳам истиқболдаги йўналишларни белгилаб олишда муҳим аҳамиятга эга.

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

НУҚТАИ НАЗАР

ТАЪЛИМСИЗ ТАРАҚҚИЁТ, ИЛМ-ФАНСИЗ ЮКСАЛИШ БЎЛМАЙДИ

Салоҳиддин ИСОМИДДИНОВ, журналист

Мамлакат келажаги, барча соҳа ва лойиҳалар муваффақияти билимли, замонавий фикрлайдиган, ўз соҳасининг усталари бўлган инсонларга боғлиқ. Шу боис, мамлакатимизда айнан таълим соҳасини, инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Боиси, бугун қайси соҳани олмайлик, замонавий етук кадрларни тарбияламасдан туриб, бирор натижага эришиб бўлмаслиги кундек равшанлашмоқда.

Беш-олти йил муқаддам аксарият мактабларда ёшларнинг сифатли билим олиши учун етарли шароит йўқлиги таълим сифатига салбий таъсир қиларди. Жумладан, бир синфда 30, ҳатто 40 нафаргача ўқувчи ўқиган. Бу ҳам етмагандек, синфхоналарда шароитлар бўлмаган. Зарур ўқув қуроллари етишмас, синфхоналар ёритилмас, қишда совуқ, ёзда иссиқ бўларди. Ойлик маоши камлиги туфайли кўплаб эркак ўқитувчилар мактабни ташлаб, бошқа соҳага ўтиб кетишга мажбур эди.

Яна бир ҳаётий мисол. Илгари ўқитувчилар асосий вазифаси бир четда қолиб, фаолиятга мутлақо алоқаси бўлмаган ишларга жалб этиларди. Аникроқ айтганда, улар болаларга таълим бериш ўрнига бутун кузни пахта даласида ўтказарди. Бу эса нафақат таълим сифатига, балки соҳа ходимларининг касбий муносабатига ҳам салбий таъсир қўрарди. Кўплаб тажрибали ўқитувчилар кунгли совиб, севган касбини ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг дастлабки кунларидан юртимизда инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий кадрлар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавий эгалари этиб тарбиялаш мақсадида таълим тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратди.

Сўнги 5 йилда мамлакатимизда 21 мингдан ортиқ янги мактаб-гача таълим муассасалари ташкил этилди. Ушбу мактабларда тарбия олаётган болалар қамрови аввалги 27 фоиздан 67 фоизга кўтарилди. 200 га яқин янги мактаб барпо этилиб, 3 мингдан ортиқ мавжуд умумтаълим муассасаси реконструкция қилинди ва тўлиқ жиҳозланди.

Ўқитувчиларни аниқлаш, уларнинг қобилиятини ривожлантириш, мактаб таълимига ўқитишнинг илгор методларини жорий этиш, замонавий билимлар ва чет тилларни пухта ўргатиш мақсадида Президент, ижод ва ихтисослашган мактаблар фаолияти йўлга қўйилди.

Ушбу мактабларнинг ташкил этилиши таълим тизимида юксалишини янги босқични бошлаб берди. Бу ўз навбатида, юртимиз келажаги учун хизмат қиладиган иқтисодий, қўбилиятли, илм-фанга меҳр қўйган ёшларнинг янада кўпайишига зўям яратди.

Президентимиз ҳузурда жорий йил 5 апрель куни халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигининг таҳлили юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида таълим сифатини янада юксалтириш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, мактабларда маънавий муҳитни тубдан

муассасаларининг умумий сони 159 тага етди. Мактаб битирувчиларининг олий таълимга қамрови олдинги 9 фоиздан 28 фоизга етказилгани ёшларни билимли, рақобатбардор кадрлар этиб тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Бу ислохотлар ҳали кўзланган марранинг бир қисми, холос. Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадларда ҳам таълим соҳасига кенг ўрин берилган.

Ёшларни кўплаб-қувватлаш шу билан чекланиб қолмайди. 2026 йилгача нодавлат олий таълим ташкилотлари сони камида 50 тага етказилади. Шу йилнинг ўзида Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида камида 1 тадан нодавлат олий таълим ташкилотини ташкил этиш мақсад қилинган ёшлар келажагини таъминлашга қаратилган эзгу ташаббусдир.

Нодавлат олий таълим ташкилоти қанча кўпайса, улар ўртасида соғлом рақобат кучаяди. Сон эмас, сифатга эътибор қаратилади. Ҳар бир олий таълим муассасаси ўз жамоасини илмий салоҳияти юқори профессор-ўқитувчилар билан кенгайтиришга ҳаракат қилади. Асосийси, ёшларнинг ўқишга иштиёқи ошади, таълим сифати юксалади.

Илм — энг катта сармоя

Инсон неча ёшда бўлмасин, билимини кенгайтиришни истаиди. Чунки ўқиш ва ўрганишдек шарафли ва лаззатли неъмат йўқ. Инсон билими туфайли кадрланади, ҳурмат қозонади. Шу сабабли, бугун мамлакатимиздаги каби таълим-тарбияга, ёшлар тақдирига ғамхўрлик қўрсатаётган, катта маблағ йўналтираётган давлат дунёда кам.

Биргина мисол: 2021 йилда ахтиёжманд оилаларга мансуб 2 мингдан зиёд қизлар олийгоҳларга давлат гранти асосида қабул қилинди. Яна шунча талаба қизларнинг контракт пули тулаб берилди. Аёллар таълимга алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли ўтган йили олий ўқув юртиларига қабул қилинган талабаларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.

Бундан олти йил аввал олийгоҳларда 110 минг нафар қиз таълим олган бўлса, бугун уларнинг сони 400 минг нафарга ёки уларнинг улуши 2016 йилдаги 38 фоиздан айни пайтга келиб қарий 50 фоизга етди.

Шу нуқтаи назардан, бугун юртимизда таълим, илм-фани янада ривожлантириш, аҳолининг ахтиёжманд қатламини иқтисодий кўллаб-қувватлаш бўйича рўйбга чиқарилаётган ислохотларни нафақат юртдошларимиз, балки хориқлик экспертлар ҳам эътироз этмоқда. Бу давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтган даврда юртимиз илм-фан ва таълим борасида ўз макеви ва нуфузини тиклаганидан далолат беради.

Таъбир жоиз бўлса, ҳозир кўп давлатлар ўғил-қизлари юртимиз ёшларига ҳавас билан қарамоқда. Сабаби, давлатимиз раҳбари ҳар йили бир неча марта ёшлар вакиллари билан учрашиб, уларнинг интилиши, орзу-истаклари билан қизиқади. Муаммоларини сўрайди ва мутасаддиларга ёшларга эътибор қаратиш зарурлигини ўқтиради. Бундай эътиборни дунёнинг жуда кўп мамлакатлари ёшлари озу қилади.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимиз таълим тизимини тубдан ўзгартириш, уни халқроқ стандартларга интеграциялаш, меҳнат бозори талабига мос юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Зотан, илм ва изланиш бўлганида жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш бўлмайди.



яхшилаш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

Кучли давлатни салоҳиятли кадрлар қуради

Инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат шунки, сифатли таълимсиз, малакали кадрларсиз, жамиятда, мамлакатда юксалиш бўлмайди. Халқимизда “Билаги зўр — бирни йиқар, билими зўр — мингни”, “Билак билан битмаган билим билан битар”, “Билган билганин ишлар, билмаган бармоғин тишлар” деган мақоллар бежиз айтилмаган.

Зеро, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллилатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим-тарбиядир. Шунинг учун юртимизда таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлашга катта куч ва маблағ йўналтирилмоқда. Аёнки, жамиятда олий маълумотга эга, юксак малакали мутахассислар қанча кўп бўлса, ривожланиш шунча тез ва самарали кечади. Таълим сифати ривожланса, ҳамма соҳада ўзгариш, тараққиёт кузатилади.

Ҳаммамиз ўқиган, замонавий илм ва хунарларни пухта эгаллаган, ўғил-қизларини шу руҳда тарбиялаган халқлар, давлатлар жадал ривожланиб бораётганини кўряпмиз, гувоҳи бўляпмиз. Шу боис, юртимизда ҳам ёшларнинг шундай юксак даражага кўтарилиши учун зарур имкониятлар ишга солинмоқда.

Ўтган даврда 82 та янги университет ва институт, жумладан, 23 та хориқий олийгоҳ ташкил этилиб, олий таълим

Хусусан, тараққиёт стратегиясида олий таълимга қамров даражасини 50 фоизга етказиш, таълим сифати ва кадрлар буюртмачилари тақлифлари асосида қабул параметрларини 2022 йилда ошириш, жорий йилда ёшларни олий таълим билан қамров даражасини 38 фоизга етказиш мақсад қилинган. Бу орқали таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси юзага келади, олий таълим муассасалари талабдан келиб чиқиб мутахассис тайёрлайди.

Таълим соҳасидаги янгиликларнинг асосий қисмини олий таълим тизимидаги ислохотлар ташкил этади. Шу боис, олий ўқув юртиларига қамровни кенгайтириш, таълим сифатини ошириш, рақамли технологиялар ва таълим платформаларини жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Биргина мисол: олий ўқув юртиларига қабул қилишда ахтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар кўпайтирилгани қамров кўламини янада кенгайтирди.

Қабул қўрсаткичи 250 мингга етказилади

Яқингача олийгоҳларга ўқишга кириш жуда қийин эди. Квоталар кам, қабул имтиҳонларида турли муаммолар бор эди. Юртимизда бу масалалар ҳисобга олиниб, олий таълимга қабул квотаси йилдан-йилга оширилмоқда. Бу ўз навбатида, ёшларни билимли, малакали, жаҳон тараққиётига мос мутахассислар этиб тайёрлаш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига хизмат қилапти.

ЯНГИЧА ЁНДАШВЛАР



ТАЛАБАЛАР УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИ

Қаҳрамон ЙЎЛДОШЕВ, Урганч давлат университетининг маркетинг ва талабалар амалиёти бўлими бошлиғи

Хоразм вилоятида ҳозир 3 та олий таълим муассасаси фаолият юритмоқда. Урганч давлат университети ҳудуддаги энг йирик олий таълим даргоҳи ҳисобланиб, айни пайтда бу ерда 30 минг нафардан ортиқ талаба таҳсил оляпти.

Шу йил 4 март куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида талабаларга сифатли таълим бериш, ҳаётини яхшилаш, ёшларнинг бўш вақтини маъмули ташкил этиш баробарида уларнинг иш билан таъминланишига ҳам катта эътибор қаратилди. Чунки бу мақсадга эришиш туфайли уларнинг назарий билимини амалиётда қўллаш имконияти янада ошади, таълим ва бошқа кундалик харажатларини қоплаш учун молиявий имконият юзага келади.

Йиғилишда зиммамизга юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, талабаларнинг иш билан бандлик ҳолатини ўрганиб чиқдик. Ҳозир университетимизда қарий 19 минг нафар ёш кундузги бакалаврият таълим йўналишида ўқийди. Уларнинг 3671 нафари ўқиш билан бирга, ишлайди. Таҳлил ва суҳбат жараёнида яна 1472 талабанинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги ва ишлашга ахтиёжи борлиги аниқланди.

Хоразм вилояти ҳокимлиги ва бандлик бош бошқармаси билан ҳамкорликда талабаларни ишга жойлаш чоралари қўриляпти. Хусусан, тез кунда ҳудудда 4 та йирик инновацион лойиҳани амалга оширишга киришляди. Улар доирасида юзга яқин талабани иш билан таъминлаш имконияти пайдо бўлади.

Университет ҳузурдаги “Хоразм” инновацион технопарки ва ахборот-ресурс, ахборот технологиялари марказлари ҳамда факультетлардаги лаборант, ишчи каби вазифаларга яна 200 нафар йигит-қизни жалб этиш имконияти маълум бўлди. Бундан ташқари, ўтган йилда Питнак шаҳридаги автомобиль заводида 83 нафар талаба амалиёт даврида ойлик олиб ишлаган бўлса, бу йил улар сонини 100 нафарга етказиш мўлжалланмоқда.

Яқинда университетда ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасининг асосий иштирокчилари ҳам талабалар бўлди. Унда вилоят шаҳар ва туманларидаги 1670 та корхона ва ташкилотда мавжуд 5416 та бўш иш ўрни тақлиф этилди. Дастлабки натижаларга кўра, шу ернинг ўзиде 217 нафар талаба ишга жойлашишга йўлланма олди.

Умуман олганда, жорий йил якунига қадар вилоятда мавжуд вакант иш ўринларига 1-3-босқичдаги 1500 нафар талабани ишга жойлаштириш, 400 нафарнинг давлат идораларида ҳақ тўланадиган стажировка ўташи, университетдаги бўш хона ва иншоотларни бепул ажратиш орқали 80 нафардан ортиқ йигит-қизни пулли курслар, маиший ва бошқа хизматлар ташкил этиш орқали ишга жойлаш, мактаб ва боғчаларга 1600 нафар ёшни иш билан таъминлаш режалаштирилган.

Университетда “Карьера маркази” ва “Коворкинг офис” фаолият қўрсатаяпти. Таълим йўналишлари ва ихтисосликлардан келиб чиққан ҳолда, бандлик маркази ташкил этилиб, иш беришчилар билан ҳамкорликда вакансия ва амалиёт ярмаркалари, талабалар учун мунтазам бизнес учрашувлар уюштириляди.

Президентимиз таъкидлаганидек, ота-оналар ўзининг олтин фондини, энг қадрили бойлигини, ўсмир ёшдаги, балогатга етган фарзандини тахсил олсин, дея қўлимизга топширган. Бу ишончини оқлаш мақсадида йигит-қизларга сифатли таълим бериш баробарида ишлаши учун ҳам қулай шароит яратиш зиммамиздаги устувор вазифалар сирасига кириди. Бинобарин, ўз соҳасининг билимдон ва етук мутахассиси бўлган кадрлар ҳар доим халқимиз, жамиятимизнинг бебаҳо бойлиғи бўлиб келган ва бугун ҳам қадри ва нуфузи янада ортиб борапти.

ТАЖРИБА



Ун ишлаб чиқаришда бугдой дони асосий хомашё ҳисобланади. Тўғри, жавдар ва арпа экинларидан ҳам ун тайёрланади. Бироқ бугдой нони ўзининг таъми, тўйимлилиги, ҳазми осонлиги билан ажралиб туради.

Бугдой етиштириш осон иш эмас. У машаққат ва кўп меҳнат талаб қилади. Деҳқонларимиз ҳар йили самарали меҳнатлари эвазига галладан мўл ҳосил етиштириб, халқимиз дастурхонини тўкин қилишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Бугунги кунда дунё аҳолиси кўпайиб, шунга мос равишда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Шу боис, озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш учун, биринчи навбатда, асосий озиқ-овқат экинлари, жумладан, бугдой ҳосилдорлигини ошириш зарур.

Дунёдаги ҳеч бир ноз-неъмат бугдой унидан пиширилган ноннинг ўрнини боса олмайди. Меҳмондорчиликка ҳам он олиб борилади. Бу ноннинг улуғ неъмат эканидан, албатта. Шу боис, эзгу тилак билдираётимиз, “Нондек азиз бўлинг”, дейди халқимиз.

БУҒДОЙНИНГ ЯНГИ СЕРҲОСИЛ НАВИ ЯРАТИЛДИ

Бу ғаллачиликдан юқори ҳосил олиш имконини беради

Бугдой дунёдаги энг муҳим дон экинларидан бири саналади. Таҳлиллар шундан кўрсатаяптики, доимий ўсиб бораётган дунё аҳолиси ахтиёжларини қондириш учун 2050 йилга бориб глобал озиқ-овқат ишлаб чиқариши 60-70 фоизгача ошириш талаб этилади. Хусусан, бугдой ҳосилдорлигини ошириш ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун юқори ҳосилдор бугдой навларининг генотипларини яратиш орқали озиқ-овқат донлари ишлаб чиқариши кўпайтириш мумкин. Хусусан, замонавий биотехнологиянинг сўнги ютуқларидан бири бўлган РНК интерференция технологияси улкан натижаларга эришиш, яъни бугдойнинг эртапишар, ҳосилдор, касалликлар ва абиотик ҳамда биотик омиллаларга чидамли, импорт ўрнини босувчи рақобатбардор янги турларини яратиш имконини беради.

Дунё олимларининг қизиқишига сабаб бўлаётган мазкур усулнинг афзаллиги белгиланган генлар фаоллигини тўхташдан иборат. Бунда қишлоқ ҳўжалиги экинларининг биологик қўрсаткичлари — ҳосилдорлик, эртапишарлик, зараркунанда ва ҳашаротларга чидамликнинг намоён бўлишида иштирок этувчи ген аниқлангандан сўнг, унинг фаолиятини кучайтириш ёки аксинча, тўхтатиш мумкин. Масалан, ўсимликнинг пишиб етилиш жараёнини секинлаштирувчи генлар фаолиятини сусайтириб ёки тўхтатиб, эртапишарликка эришиш ёки аксинча, улар фаоллигини кучайтириб, пишиб-етилишини кечиктириш мумкин. Асосийси, бунда ҳеч қандай бегона ген ишлатилмай, ички генлар асосида ўсимликнинг биологик потенциали кўтарилади. Шунинг учун бундай технология асосида олинган навлар биологик ва экологик жиҳатдан батамом хавфсиздир.

Ўзбекистон Фанлар академияси Геномика биоинформатика маркази “Трансгеномика ва тўқималар култураси” лабораторияси кичик илмий ходими Шахноза Султонова узоқ йиллик изланишлардан сўнг бугдойда РНУА1 генининг РНК-интерференция технологияси ёрдамида бугдойнинг ҳосилдорлиги юқори бўлган янги — “Баркамол” навини яратди.

— РНК-интерференция технологияси мамлакатимиз бўйича бугдойда илк бор қўлланилди, — дейди Шахноза Султонова. — Биз яратган бугдой навининг ҳосилдорлиги юқори, оқсил миқдори яхшилланган ҳамда занг касалликлари, ўртача шўрланган тупроққа чидамли ҳисобланади. Нав қиска пояли бўлиб, шунга мос равишда механизациялашган йигим-терим пайтидаги йўқотишларни қамайтиради, донни

қайта ишлашда ун сифати яхши бўлади. Ҳозирги кунда экилаётган бугдой навларидан бир гектардан 75-80 центнергача ҳосил олинаётган бўлса, биз ишлаб чиққан янги навининг ҳосилдорлиги гектарига 85-90 центнерни ташкил этади.

“Баркамол” навининг вегетация даври 120 кун давом этади. Ўсимлик бўйи 90-100 сантиметрга, мингта доннинг вазни 55,9 граммга етади. Яна бир афзаллиги, бошқа бугдой навларига қараганда 5-7 кун олдин пишиб етилади.

Бугдойнинг мазкур янги нави селекция ютуғи сифатида Интеллектуал мулк агентлигига патент олиш ариза топширилди ҳамда янги биотехнологик нави синовдан ўтказиш учун Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузурдаги Қишлоқ ҳўжалиги экинлари навларини синаш марказига тақдим этилди.

Ҳозирги кунда Нав синаш комиссиясининг ўрнатилган тартиблари асосида мамлакатимиз вилоятларидаги нав синаш участка ва станцияларига “Баркамол” нави уруғликлари етказиб берилди. Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманига ҳам синов тариқасида экилди ва тажрибалар давом этмоқда.

Мухтасар айтганда, бугдойнинг мазкур янги навидан фойдаланиш, уни мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги ерларида экиш ғалла ҳосилдорлигини ошириб, аҳолининг ун маҳсулотларига бўлган ахтиёжини янада қондириш имконини беради. Шу билан бирга, келгусида дунё мамлакатларига ҳам экспорт қилиш орқали яхши даромад олиш, пировадиде мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Муваффар Абдуллаев олган сурат.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

“МЕН БОҒЧАГА БОРАМАН”,
ДЕБ УЙҒОНСИН БОЛАМ

Маънавият ёшлиқдан, инсонни болалар боғчасида,
мактабда китоб ўқишга ўргатишдан бошланади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Миллий эртақлар — ўзликка етаклар

Эртақни ёқтирмайдиган бола бўлмас керак. Болалигимизда ҳар оқшом “Машъал” радиосида айтиладиган эртақларни интиқ кутардик, мароқ билан тинлардик. Уша образли, ғоят қадрдон овоз, эртақлар берган тасаввур ҳақида ўйлаш ҳозир ҳам ёқимли.

Бугуннинг болалари радиого қулоқ тутиб, эртақ пойламайди. Улар замонавий технологиялар ёрдамида истаган пайт, истаган эртақни тинлаши, хоҳлаганча мультфильм томоша қилиши мумкин. Бироқ улар миллий мультфильмлар, миллий эртақларимиздан йироқроқ экани ҳеч кимга сир эмас.

Шу маънода, Мактабгача таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан ҳамкорликда “Болалик кунларимда” лойиҳаси устида ишлади. Лойиҳанинг асосий мақсади — халқ оғзаки ижоди намуналарини келажак авлодга етказиш.

Халқ эртақларининг аудио талқинини яратишда бир гуруҳ мутахассислар, жумладан, муҳаррир, таржимон, мусаҳҳих ва руҳшунлар, актёрлар ҳамкорликда иш олиб борди. Натигада “Зумрад ва Қиммат”, “Ур, тўқмоқ”, “Очил дастурхон” каби бир қанча сеvimли эртақларни ўзида мутасаммадан эртанга аудитоплаш яратилди. Улар телеграммессенжеридеги “Болалик кунларимда” саҳифасига мунтазам жойлаштириб борилаётгани боис, МТТлардаги таълим-тарбия жараёнида кенг фойдаланиш имкони яратилди.

Болаларда маънавий дунёқараш ва театр маданиятини шакллантириш

мақсадида тайёрланган “Стол театри” дидактик тўпламларида миллий сиймолар, миллий эртақлар ҳамда мультфильм қаҳрамонлари кўриниши акс эттирилган. Мактабгача таълим вазирлиги томонидан 2018-2022 йилларда болалар дунёқарашини кенгайтиришга, уларнинг маънавий, интеллектуал оламини бойитишга қаратилган, болалар психологиясига мос бир қатор адабиётлар босқичма-босқич чоп этиб келиняпти.

Жумладан, болалар ёзувчиси З.Иброҳимовнинг мактабгача ёшдаги болалар учун мўлжалланган тўртта китобдан иборат “Қизил гул” (кичик гуруҳ тарбияланувчилари учун), “Оқ гул” (урта гуруҳ тарбияланувчилари учун), “Сариқ гул” (катта гуруҳ тарбияланувчилари учун), “Мовий гул” (тайёрлов гуруҳ тарбияланувчилари учун) номдаги таълимий, рангли-бе-закли бадиий асарлар тўплами ҳозир-гача 34 минг нусхада МТТларга етиб борди. 14 мингта нодавлат ММТларга 18 номдаги ўқув методик-дидактик қўлланмалар етказиб берилди. Китоб барча гуруҳ тарбияланувчилари учун мўлжалланган бўлиб, ундан шеър, ҳикоя, эртақ, ривоят, топшиқоқ, тез айтиш, санама, мақол, ўйин қўшиқлари жой олган.

Жорий йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти, шаҳси ва фаолияти ҳақида иллюстрацион ҳикоялар ва диалоглар шаклидаги “Шаҳзода Бобур” китобчасини яратиш ҳамда боғча болаларига мўлжалланган бошқа адабий-бадиий китобларни чоп этиш режалаштирилмоқда.

Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак

Сир эмас, узоқ йиллар боғча мудирлари кадрлар масаласида уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчиликдан самарали фойдаланиб келди. Мактабгача таълим вазирлигининг педагог кадрлар бошқармаси бошлиги Шухрат Камоловнинг айтишича, бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотлари раҳбар ва педагог кадрларининг маълумоти, мутахассислигидан ташқари, юқорида айтилган жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Айни пайтда юртимиздаги мактабгача таълим ташкилотларида 143 мингдан зиёд раҳбар ва педагог кадр фаолият юритаётган бўлса, ўтган йилнинг ўзида уларнинг 14 мингдан зиёди малака ошириш курсларига, 50 мингдан ортиги маҳаллий ва хорижий мутахассислар томонидан ташкил этилган мактабгача таълим ва тарбияга оид қисқа муддатли ўқув курслар, тренинг ва семинарларга жалб этилди.



Ханим Ўйроқовна олган сурат.

Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти тайёрлаган 350 нафар тренер томонидан 22 мингдан зиёд педагог “Мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда давлат-хусусий шериклик

асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш” мавзуси бўйича қисқа муддатли курсларда ўқитилди. 24 мингдан зиёд педагог “Мактабгача таълим ташкилотлари педагогларининг касбий компетен-

цияси ва креативлигини ошириш” ўқув курсига жалб этилди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташкил қилган мактабгача таълим ташкилотларининг 1,5 минг нафар психолог учун “Мактабгача таълим ташкилотлари психолог фаолиятини ташкил этиш” мавзусида 24 соатлик ўқув курслар ташкил этилгани ҳам МТТлардаги соғлом маънавий муҳитни тарбиялашда муҳим омил бўлган.

Мухтасар айтганда, буларнинг бари таълимнинг пойдевори бўлган мактабгача таълим тизимини салоҳиятли кадрлар билан тўлдир-ишга, тизимни ривожлантиришга қаратилаяпти. Бунда нафақат маълумотли, тажрибали бўлиш, балки чинакам тарбиячи педагогга хос маънавий ҳам назарда тутилмоғи керак. Зеро, “Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмоғи керак”, деган гап ўзини оқлаб улгурган. Бу ўринда, аввало, ота-оналар хушёр тортса, айни муддао бўлар эди. Негаки, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг биринчи ва доимий тарбиячиси.

Хулоса ўрнида

Ижтимоий тармоқларда жажжи япон болаларини жамоат транспортида юришга тайёрлашга оид амалий дарсни кўриб, очиги, ҳавасим келди. Қисқагина бу ролик ҳар қандай ёши катта одамнинг эътиборини тортади. Бир томондан мийғида қулиб ҳам қўясиз.

Автобус ўрнидаги — стулчаларнинг ҳаммаси банд, бекатга етгач, “хайдовчи” “автобус”ни тўхтатди. Ҳассаса таянган “қария”, бола кўтариб олган “жувон”, ҳатто ҳомиладор аёл образидеги болажонлар “автобус”га бирин-кетин чиқди. Утирганлар уларга дарҳол жой беришдан ташқари, ўтириб олишларига ҳам кўмаклашяпти.

Ўшбу амалий дарсда қатнашган ҳар бир япон боласи эртага жамоат транспортда айрим ёшларимиз сингари қулоқчин баҳона ўзини эшитмасликка олмаслиги, катталарни беҳурмат қилмаслиги аниқ. Баъзан ёшгина оналар

ҳам ёши улуг одам тик турганига қарамай, фарзанд “тур болам, каттага жой бери”, демайди. Бу каби арзимасдек туюлган камчиликларнинг илдизи маънавият масаласига келиб тақалаверади.

“Агар биз бутун дунёда тинчлик ўрнатгани истасак, ишни болалар тарбиясидан бошлашимиз зарур”, деган эди Маҳатма Ганди. Тарбиядаги муаммолар ечими борасида эса, Президентимиз таъкидлаганидек, масъул идора ташкилотларига эмас, барчамиз бирлашимиз керак. Содда қилиб айтганда, айни пайтда фарзандимизнинг руҳиятини айримларимиздан кўра чуқурроқ кашф этаётган тарбиячи, педагогларга бироз кўмаклашиб юборсак бўлгани.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Фарзанд тарбияси она қорнидан бошланади, деган қараш кимларгадир эриш туюлади. Бундай инсонларга ҳатто Ибн Синонинг тарбия ҳақидаги хулосалари ҳам ғайритабиий кўриниши аниқ. Бугун маънавиятнинг моҳиятини ҳар қачонгидан чуқур англашимиз керак экан, лоқал фарзанд тарбиясида оиланинг ўрни бирламчи эканини тан олишимиз лозим. Ота-она ўз маънавияти билан фарзандига ибрат бўла олмайдими, жамият уни катта қийинчилик билан шакллантиради.

Болалар боғчаси — илк мослашув давраси

Онаси кўтариб олган болаларнинг аксариятига кўлингизни чўзиб, “кеп” десангиз, ўзини тортиб, йилмамоққа чоғланади. Кўпчилик орасида, ҳатто қариндошлар даврасида ҳам онасининг кучоғидан тушмай, бегонасираб, ўзини ноқулай сезадиган, 3-4 ёшга кирса-да, эркаланиб, сўзларни тўлиқ талаффуз қила олмайдиган болалар бор. Ҳамма оилада ҳам бу каби ҳолатларга жиддий аҳамият берилавермайди. Баъзи ота-оналар буни табиий ҳисоблайди. Бинобарин, 3 ёшдан боғчага борган бола 4 ёшга қадар анча-мунча шаклланиб улгурди. Айримлар болани боғчага бермас ҳам бўлаверади, деб ўйлайди. Ваҳоланки, боланинг одамови бўлмаслиги, мактабга мослашувда боғча тарбияси муҳим ўрин тутаяди. Шу боис ҳам ота-оналар ўз болаларининг “Мен боғчага бораман”, деб ўйғонишини истади. Негаки, тетапоя бўлгандан мустақил ҳаётига қадар фарзандларимиз таълимнинг барча босқичини босиб ўтар экан, болалар боғчасини айни пойдеворга қиёслаш мумкин. Шу маънода,

мактабгача таълим узлуксиз маънавий тарбиянинг таянч бўғини ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда боғча, мактаб, олий таълим, маҳалла алоҳида-алоҳида иш олиб бораётгани, ўзаро ҳамкорлик йўлиги бу борадаги натижадорликка салбий таъсир қўрмаётганини таъкидлаган эди. Шунингдек, жажжи фарзандларимизни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш учун Республика Маънавият ва маърифат маркази Мактабгача таълим вазирлиги билан бирга бу борадаги ишларнинг самарали тизими ва методикасини яратиши зарурлигини қайд этган.

Хусусий ва давлат-хусусий шериклик асосидаги боғчаларга айни масалада алоҳида эътибор қаратиш кераклиги тилга олингани ҳам бежиз эмас. Чунки тизимдаги туб ўзгаришлар боис, болалар боғчаларига қамров кескин ортди. Аммо уларда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар, айниқса, оилавий боғчаларда аҳвол қандай?

Мактабгача таълим ташкилотлари қандай безатилиши керак?



олами ва ўсимликлар дунёси тасвири билан бойитиш, болалар ҳаёти учун хавфсиз бўлган ҳайвонларни боқиш, ўсимликларни парвариш-лаш ҳам тақлиф этиляптики, бу билан болаларда табиатга муҳаббат шаклланади.

МТТларда ташкил этилаётган “Ватанпарварлик бурчаги” болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлса, Ўзбекистоннинг миллий маданий мероси ва улуг мутафаккирлари акс этган “Ўзбекистон композиторлари”, “Ўзбекистоннинг буюк алломалари”, “Менинг маҳаллам”, “Миллий хунармандлик”, “Ўзбекистон Республикасининг давлат байрамлари”, “Қадимий шаҳарлар” мавзуларидаги кўргазмали плакатлар тарбияланувчиларнинг маънавияти, юртимиз ҳақидаги тасаввурини бойитишга хизмат қилади.

Албатта, МТТларда истиқлолимиз тимсолари кўзга ташланганида жойда ва таърифи ҳам болаларга хос содда бўлиши мақсадга мувофиқдир.

“Маърифат” тарғиботчилар жамияти томонидан “Маънавият фестивали” доирасида 14 та ҳудуддаги 1 тадан МТТ деворлари намуна сифатида миллийлик руҳида безатилиши кўзда тутилган. Яъни, ўзбекона урф-одатларимиз, оилавий қадриятларимиз акс этган стендлар Олий Мажлис хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар жамоат фонди маблаглари ҳисобидан боғчаларга бегараз берилади. Шунингдек, фестиваль доирасида ҳар бир ҳудуднинг мактабгача таълим бўлими раҳбарларига миллий эртақлардаги образлар акс эттирилган альбом тақдим этилади. Бундан ташқари, Бадиий академия билан ҳамкорликда рассомлар, ёзувчилар, умуман, ижодкорларни жалб этган ҳолда, “Зукко эртақчи” лойиҳаси доирасида яна бир альбом тайёрлаш режалаштириляпти.

— Биз айрим боғчалардаги Ғарб мультфильмлари қаҳрамонлари тасвирини маънавиятимизга зид дейишдан олдин рассомларга ўзимиз миллийликнинг бирор намунасини яратиш беришимиз керак, — дейди “Маърифат” тарғиботчилар жамияти раиси Бахтиёр Хусанов.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 942
85049 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржоев
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА яқини — 22:10 Топширилди — 23:00

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибят: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz